

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@uzpak.uz ● 2002 йил 4 декабрь, №263 (3091) Чоршанба

Олий Мажлисда



## Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси бўйича ТАСИС дастури доирасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан ҳамкорликда «Омбудсман институтининг икки палатали парламент шароитидаги фаолияти ва унинг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришдаги ўрни» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Швециянинг Омбудсман парламенти департаменти бошлиғи Т.Маннинен Омбудсман институтлари фаолиятининг хорижий амалиёти тўғрисида сўзга чиқди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова Ўзбекистонда Омбудсман фаолиятининг бугунги ҳолати ва истиқболлари тўғрисида ахборот берди.

Анжуманда ялпи ва шўъба мажлислари ҳам бўлиб ўтди.

Шўъбалар мажлисида янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида»ги қонун лойиҳасига концептуал ёндашув, Омбудсманнинг минтақавий вакили тўғрисидаги янги низом лойиҳаси, Омбудсманнинг икки палатали парламент шароитидаги фаолиятининг ҳуқуқий асослари, Омбудсманнинг Ўзбекистон Республикасининг суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ўзаро ҳамжиҳатлиги каби масалалар муҳокама этилди.

Тадбир давомида муайян қарорлар, тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ўринбосари Б.Бугров сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

## Ўз бойлигимиз ўзимизга

Кеча Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда миниатюрачи рассом Х. Муҳиддиновнинг Санкт-Петербург шаҳрига қилган хизмат сафари ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Рассом мазкур ҳудуддаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сақланаётган Камолиддин Беҳзод мўйқалами билан чизилган бир неча асарлардан «эгизак нусхалар» олиб келишга муваффақ бўлди. Шунингдек, келтирилган бошқа санъат асарлари Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг Камолиддин Беҳзод номидаги боғ ва миниатюра санъати музейига топширилди. Энди улар халқимиз, айниқса, ёш авлодда миллий ифтихор туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Махсус комиссия раиси, академик Н.Иброҳимов чет эллардан олиб келинган муҳим ҳужжатларни юртимиздаги алоқадор ташкилотларга топширди. Уларнинг орасида Темурийлар тарихи давлат музейига берилган Хотифий қаламига мансуб «Темурнома» асарининг нусхаси бор. Лондондаги «Ал-Фурқон Фаундейшн» муассасаси томонидан нашр этилаётган «Дунё мусулмон қўлёзмалари фиҳристи» ЎзФА Шарқшунослик институти ва Тошкент давлат шарқшунослик институтига тақдим этилган. У мамлакатимиз билан боғлиқ нодир манбаларни излаб топишга кўмаклашади.

Йиғилишда Россия архивлари, илмий-маърифий ва маданий-маънавий муассасаларда кўплаб ҳужжатлар сақланаётганлиги, уларни ўрганиш ҳамда мамлакатимизга қайтариш чора-тадбирлари хусусида ҳам фикр юритилди.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*У 54 йил мобайнида Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги хўжаликларда агроном бўлиб ишлади. Мана, 7 йилдирки, фермер хўжалигини бошқармоқда. Бу хўжаликни юритишда эса отага унинг 6 нафар ўғли ёрдам беряпти.*

*— 9,5 гектар майдонда, — дейди Эргаш Маҳкамов, — боғ ва токзор, шунингдек, лимонарий мавжуд. Ҳар йили мўл ҳосил етиштирилмоқда. Айниқса, бу йил мўлжалдагидан кўп ҳосил олинди.*

*«Даромадга яраша буромад» деганларидек, ўтган вақт мобайнида қишлоққа газ тармоғи тортилди, кичик электр станция қурилди.*

*Эндиликда буларнинг ҳаммаси узум, мева-сабзавотни қайта ишлаш цехини барпо этиш имконини яратди. Демак, даромад янада кўпаяди.*

**СУРАТДА: фермер Эргаш ота Маҳкамов лимон ҳосилидан мамнун.**

**Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**

## Иқтидорли ёшлар — юрт таянчи

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида 2002/2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлган талабаларни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев, олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан ёшларнинг таълим-тарбиясига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилаётганини таъкидлади.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 майдаги Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантиришга қаратилган қарори ҳам бунинг ёрқин исботидир. Унга кўра мана салкам ўн йилдирки, юртимизнинг энг билимли, хулқи намунали, тиришқоқ ва иқтидорли йигит-қизлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси билан тақдирланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёшларимизнинг билим чўққиларини янада пухтароқ эгаллаши, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги илмий изланишлар сари чорлашда муҳим омил бўлиб хизмат этаётир. Зеро, Ватанимизнинг келгусидаги равнақи, тараққиёти ва юксалиши кўп жиҳатдан ана шундай йигит-қизларга боғлиқ.

Эътиборга молик жиҳати, йил сайин мамлакатимизда Президент стипендияси совриндори деган шарафли номга муносиб бўлиш истагидаги ёшлар сафи тобора ортиб бормоқда. Шу мақсадда эълон қилинган танловда бу йил юртимизнинг 56 олий ўқув юртидан 96 нафар номзод иштирок этди. Улар «Ўзбекистон тарихи», «Информатика», «Чет тили» фанларидан синовдан ўтказилди... Ва ниҳоят, юртимизнинг энг иқтидорли ўн нафар талабаси техника ва информатика, журналистика, тиббиёт, педагогика, ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар, иқтисодиёт, маданият ва санъат каби йўналишларда ғолиб деб топилди. Улар орасида Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) халқаро ахборот таҳририяти шарҳловчиси Шаҳноза Матназарова ҳам бор.

Тадбирда юртимизнинг энг илғор талабаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори гувоҳномалари топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан қарор қиламан:

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар;

б) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

в) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

г) 60 ёшдан ошган эркаклар;

д) биринчи марта судланган чет эл фуқаролари;

е) эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар.

2. Биринчи марта уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Иқтисодиёт ва хўжалик фаолияти соҳасида жиноятлар содир этиб, биринчи марта судланган, етказилган зарарни қоплаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — бешдан бир қисмига.

7. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Фармон — ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга ҳамда муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан;

б) мазкур Фармоннинг 1-моддаси — қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодексининг 97-моддаси) жиноятини содир этган шахсларга;

в) мазкур Фармоннинг 1-3, 5-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга.

8. Мазкур Фармоннинг 4 ва 6-моддалари Жиноят кодексининг 150-163, 242, 244, 244-1, 244-2-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганлиги учун ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан фақат жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан уларнинг ўз қилмишидан амалда пушаймон бўлганлиги тасдиқланган ҳоллардагина қўлланилиши белгилансин.

9. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 декабрь.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонига ШАРҲ

Умумхалқ байрам — мустақил давлатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амнистия тўғрисидаги Фармон қабул қилинди.

Фармон озодликдан маҳрум этилганларнинг деярли барча тоифаларини қамраб олган.

Амнистияни қўллаш натижасида биринчи навбатда вояга етмаган ёшлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахслар озод этиладилар.

Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинган йилда қабул қилинган Фармон 60 ёшга тўлган шахсларга, шунингдек аёлларга ўз оилаларига қайтишларига имконият яратади. Қонунларимизни бузиб, ўта оғир бўлмаган жиноят содир қилган чет эл фуқаролари ҳам ўз ватанларига тинч меҳнат билан шуғулланишлари учун қайтадилар. Бундай шахсларга нисбатан ҳали дастлабки ва суд тергови якунланмаган жиноят ишлари ҳам тугатилади.

Иқтисодиёт соҳасида, хўжалик юритиш жабҳасида содир этган жиноятлари учун биринчи маротаба судланиб, етказилган зарарни қоплаган, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларни озод этилиши ҳам назарда тутилган.

Турли сабабларга кўра, аваламбор ўзларининг савиясизлиги, билими ва тажрибаси етишмаслиги оқибатида ўз олдига конституциявий тузумни ағдаришни мақсад қилиб қўйган экстремистик радикал диний гуруҳларнинг домига тушган шахслар ҳам озод этиладилар.

Бу биринчи навбатда ўз қилмишларининг қанчалик оғирлигини ҳис қилиб, содир этган жиноятларидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганларга тааллуқлидир. Озод қилинаётган шахсларнинг яқин қариндошлари, шунингдек турар жойларидаги маҳаллалар аҳли томонидан зарур эътибор, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишдаги иштироки шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилганлар қаторида жазодан озод қилинмайдиган маҳкумларнинг ўталмай қолган жазо муддатларини сезиларли даражада қисқартириш ҳам кўзда тутилган. Бундай чора таъсирига тушувчилар жазо ўтаётган маҳкумларнинг ярмидан ортиғини ташкил қилади.

Инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик каби фазилатларга асосланган Фармон жаҳон демократик ҳуқуқ яратиш тажрибаси ва ўзбек миллий анъаналарини уйғунлаштирган.

Бу мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини босқичма-босқич ўтказилаётганлигининг, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёни мутаносиб амалга оширилаётганлигининг яна бир далилидир.

## АЙБИМИЗ ЧЎЛДА ЯШАШИМИЗМИ?



***Биз Оқолтин туманидаги Бобур ширкатлар уюшмасининг чўл минтақасига кирувчи «Янгиҳаёт» бўлимида яшаймиз. Сўнгги ўн йилликда тураржой ва томорқа учун ер участкалари ажратилиши натижасида қишлоғимиз янада кенгайди. Аҳоли сони ҳам кўпайди. Бироқ яшаш шароитимизда деярли ўзгариш бўлмади. Айниқса, ободонлаштириш ишлари ўлда-жўлда қолиб кетди. Ана, оқибати: ҳозир на бир дурустроқ йўлимиз, на бир табиий газимиз бор. Электр чироғимиз бир кун ёнса, уч кун ўчиб қолади. Ана шунинг оқибатида меҳмон келса, уяламиз. Ёлчитиб телевизор кўролмаймиз, радио эшитолмаймиз. Энг ачинарлиси, тоза ичимлик сувимиз йўқ. Иложсизликдан қишин-ёзин зовурдаги оқовадан фойдаланишга мажбурмиз.***

***Шубҳасиз, биз бу ҳақда хўжалик ва туман раҳбарларига қайта-қайта айтдик. Жумладан, шароит ноболлиги туфайли одамларимиз орасида турли хил касалликлар кўпайиб бораётганини, қишли-қировли кунларда фарзандларимиз ва аёлларимиз беҳад қийналаётганликларини бот-бот тушунтирдик. Улар эса ҳалиҳануз қуруқ ваъдадан нарига ўтмаяптилар. Аниқроғи, «Бор отангга, бор онангга» қабилида иш тутяптилар. Назаримизда, раҳбарлар учун фақат деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш режа-топшириқларини бажариш ўта муҳиму аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш иккинчи даражали ишга ўхшайди. Шу боис бу сафар сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Зора, мутасаддилар кўп йиллик дард-ҳасратимизни газета орқали ўқиб, андак ҳушёр тортсалару бизнинг қишлоғимиз ҳам сонга кириб қолса...***

**Бобо АРСЛОНБЕРДИЕВ, Ориф ТЕМИРОВ, Абсами ЭШИМОВ, Қаҳрамон БАСТАМОВ ва бошқалар (жами ўн имзо).**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

Юқоридаги шикоят хатини ўқигач, жиддий ўйга толдик. Ажаб, бу мактуб не сабаб туман ва вилоят ҳудудидан «сакраб» Тошкентга — таҳририятимизгача етиб келдийкин? Унда тилга олинган муаммолар жойида ҳал этилса, бўлмасмиди? Ёки, нима, бутун бошли қишлоқ аҳлини неча йиллардан буён қийнаб келаётган камчиликлар хўжалик ва туман катталари наздида бош қотиришга арзимайдиган «майда-чуйда» ҳисобланадими? Оқолтинда одамларнинг арз-додини чин дилдан тинглайдиган, уларнинг дардига том маънода малҳам қўядиган мутасаддилар топилмайдими? Ваҳоланки, замонавий раҳбарлар фақат ишлаб чиқариш самарадорлиги учун жон куйдириш билангина кифояланиб қолмасликлари керак.

Улар, Юртбошимиз яқинда халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтганидек, ҳаётнинг ичига чуқур кириб боришлари, халқ қандай яшаётганидан, унинг орзу-умидларидан, ташвиш-муаммоларидан — барча-барчасидан бохабар бўлишлари лозим. Ҳукуматимизнинг аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, қишлоқларни ободонлаштириш, газлаштириш ва тоза ичимлик сув билан таъминлашга оид қарорларини бекаму кўст амалга оширишлари шарт. Айни чоғда, тайин бир ҳақиқатдан кўз юммаслигимиз ҳам керак: ҳозир боқимандалик кайфиятида яшайдиган, юқоридан имдод ва мадад кутиб ўтирадиган замон эмас. Билъакс, етти ўлчаб бир кесадиган, баҳамжиҳатликда иш юритадиган давр. Бу йўлдан борган одам ҳеч қачон ютқазмайди, астойдил ҳаракат қилса, албатта, барака топади.

Иккинчидан, бугунга келиб янгиҳаётликлар орасидан ҳам кўплаб ишбилармонлар ва тадбиркорлар етишиб чиққанига шубҳа йўқ. Улар ўз меҳнатлари ва интилишлари билан жамиятимиз равнақига ҳисса қўшаётганликлари аниқ. Шу билан бир қаторда, келгусида ҳамқишлоқларига озгина қайишсалар, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун ўз ҳисобларидан баҳоли қудрат маблағ ажратсалар, асло кам бўлмасдилар. Савобга қолиб, эл-улус дуосини олган бўлардилар. Ҳарқалай, Ҳадиси шарифда «Ҳақиқий бой — нафси тўқ одамдир», деб бежиз айтилмаган. Кўпчиликдан эса қуён қочиб қутулмайди.

## Сўнгги хабарлар

**Бектемир тумани ҳокимияти, «Маҳалла» жамғармаси фаоллари ҳамда «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими ташаббуси билан тумандаги «Астробод» гузарида 200 нафардан ортиқ ногиронга байрам дастурхони ёзилди, уларга совға-саломлар топширилди.**

### Савобли иш унутилмайди

**Тадбирда сўзга чиққанлар ҳукуматимизнинг бевосита ғамхўрлиги туфайли бугунги кунда ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси яхшиланаётганлиги, ўз навбатида уларнинг ҳам иқтисодиёт, спорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги фаолиятлари салмоқли эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ва ушбу тадбирга кела олмаган ногиронларнинг уйларига бориб, улардан ҳол-аҳвол сўралганлиги ва моддий ёрдам кўрсатилганлиги ҳам айтиб ўтилди.**

**Н. НОРМЕТОВА.**

### Қишлоқда мини маркет

Тўрақўрғоннинг Шаҳанд қишлоғи Наманганадаги энг обод қишлоқлар сирасига киради. Ундаги машҳур «Деҳқон бозори», «Шаҳанд сиҳатгоҳи», касб-ҳунар коллежи ёнига замонавий мини-маркет ҳам қўшилди. Хусусий дўконлар уюшмаси барпо этган янги савдо маскани пештахталари тур хил маҳсулотлар билан тўлдирилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ.**

"Халқ сўзи" назоратида

## ВАЪДА БИЛАН УЙ ИСИРМИКИН?

«Айни кунларда Фарғона шаҳри кўчаларини кезсангиз, қизиқ бир манзарага дуч келасиз. Кўплаб кўчалар, аҳоли яшайдиган мавзелар ҳудудлари кавлаб ташланган. Сабаби аён: иссиқлик узатиш қувурлари, ўтган йили панд берган ускуналар эндигина таъмирланаяпти. Ўринли савол туғилади: қиш эшик қоқиб қолганда «ғайрати» жўш урган бу таъмирчилар ёз ойларида, ҳеч бўлмаса, кузнинг аввалида қаерда эдилар?»


Энг катта ташвиш

***Газетамизнинг шу йилнинг 6 ноябрь сонида эълон қилинган «Энг катта ташвиш» сарлавҳали мақолада ана шундай аччиқ жумлалар битилганди. Шу муносабат билан яқинда «Фарғона вилоят энерго маркази» очиқ турдаги акциядорлик жамияти директори Э.НУРАЛИЕВдан қуйидаги расмий жавобни олдик:***

(Давоми 3-бетда).

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши ўз ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотининг фаолиятини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратяпти. Айниқса, бу борада вилоят халқ таълими бошқармаси билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик самара беряпти.**

### Етакчидан умид катта

Яқинда ҳамкорлар вилоятдаги барча умумтаълим мактаблари, «Камалак» бошланғич ташкилотлари етакчилари билан ўқув-семинар ташкил этди. Эътиборли томони, бундай анжуманларнинг расмиятчиликдан бутунлай холи ўтаётганлигида.

Уларда эндигина шаклланаётган тажрибалар оммалаштириляпти. Ибратли ташаббуслар қўллаб-қувватланяпти. Ўзаро мулоқотлар эса етакчилар фаоллигининг ошишига, янгиликка интилишига хизмат қиляпти.

Ҳозирга қадар жойларда ўтказилган бундай семинарларда «Камалак» болалар ташкилоти етакчиларидан 600 нафари иштирок этди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Азиз муштарий! Сизга хушкайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**



*Олий Мажлис сессияси олдидан*

*Қонун устуворлиги — давр талаби. Олий Мажлис Қўмиталари фаолияти билан танишган киши бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Деярли барча қўмиталарда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг X сессияси кун тартибидаги масалалар кўриб чиқиляпти. Жумладан, Ёшлар ишлари қўмитасида ҳам сессияолди иш жараёнлари қизғин.*

*Мухбиримизнинг қўмита раиси Азамат Зиё билан суҳбати айнан шу мавзуда бўлди.*

# Қонунни бажариш — фарз

**— Азамат ака, навбатдаги сессия ўз ишини бошлашига ҳам саноқли кунлар қолди. Назаримда, яқиндагина, Олий Мажлиснинг ёзги сессияси арафасида Сиз билан қўмита фаолияти, режалари ҳақида суҳбатлашгандик...**

— Яъни ўтган ойларда қўмита нима ишлар билан банд бўлди демоқчисиз... Жавобни тилга олинган ёзги сессиядан, аниқроғи, ўша йиғилишда Президентимиз томонидан жамиятимизга тақдим этилган маърузадаги устувор йўналишлар билан боғлиқ масаладан бошласак. Хабарингиз бор, маърузада белгиланган устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича Олий Мажлис ҳам муайян вазифаларни амалга ошириш режасини тузиб, махсус комиссия ташкил этган эди. Қўмитамиз ушбу комиссия ишида фаол қатнашишга ҳаракат қилиб келмоқда. Ҳар бир устувор йўналишнинг қонунчилик базасини яратиш, такомиллаштиришга оид ишлаб чиқилаётган концепциялар муҳокамасида иштирок этмоқда. Бундан ташқари жойларда ана шу устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятини тўғридан-тўғри сайловчиларимизга, ёшларга етказишда ҳам бир қатор тадбирларда қатнашдик. Автомобиль йўллари институти талабалари, Ҳамза тумани «камолотчилари» фаоллари, мактабларнинг маънавий-маърифий тарбия бўйича мутасаддилари билан учрашувлар, сайлов округларида бўлиб ўтган тадбирлар, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар шулар жумласидандир. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ушбу тадбирларда биз асосий эътиборни ҳар бир фуқаронинг, айниқса, ёшларнинг мана шу вазифаларни амалга оширишдаги шахсий иштироклари масаласига қаратишга ҳаракат қилмоқдамиз. Зеро, Юртбошимиз ўз нутқларида инсон омилига бежиз урғу бермадилар. Ҳақиқатан ҳам, амалга оширилиши керак бўлган барча вазифалар аввало, айнан шу омилга, яъни ўзимизга, ҳар биримизга боғлиқдир.

**— Эндиги сессияга тақдим этилган қонунлар лойиҳаларида қўмитанинг иштироки қандай бўлмоқда?**

— Лўнда қилиб айтсак, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ниҳоятда катта аҳамият касб этиши муқаррар бўлган, сайловчиларимиз, умуман жамиятимиз аҳли диққат эътиборида турган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида», «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялаш тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» қонунлари лойиҳалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларимиз ва таклифларимизни билдирдик, айрим масалалар юзасидан эса қизғин баҳслар ҳам бўлди. Ҳар қандай қонун лойиҳаси белгиланган тартибда тасдиқланиб, кучга киргунга қадар шундай бўлиши керак. Биз ўзимиз депутат сифатида, таъбир жоиз бўлса, унинг ичига кириб чиқишимиз, унинг маъно-моҳиятини, вазифасини, амалий аҳамиятини англаб олишимиз лозим. Лойиҳа қонун ҳужжатига айлангандан кейин эса уни бажаришимиз даркор.

**— Шу ерда биз ўз-ўзидан назорат-таҳлил масаласига келиб тақаляпмиз чоғи...**

— Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Қонун ижроси билан қонундир. Бунга биз ҳар сафар қонунларнинг ижросини назорат-таҳлил этиш билан шуғулланганимизда амин бўламиз. Икки сессия оралиғида қўмитамизда Фарғона вилоятида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Нисбий маънода олганда вилоятда кўрилган масала бўйича муайян ютуқлар бор.

**— Кечирасиз, нега нисбий маънода?**

— Биласизми, қонунни, унинг у ёки бу талабини бажариш бу — бурч, мажбурият, бошқача қилиб айтганда ҳам фарз, ҳам қарздир. Ўзимизнинг манфаатимиз билан боғлиқ ҳолларда биз буни жуда дўндирамиз. Ким бўлишимиздан қатъи назар, кўкрагимизга уриб, бунга менинг ҳаққим бор, мени ҳимоя қиладиган қонун бор, менинг талабим қонуний, деймиз. Бироқ умуммманфаат билан боғлиқ масалаларда қонун ижроси ҳақида сўралганда, кўпроқ шу соҳада амалга оширилган ишларни ютуқ сифатида баҳоланишини хоҳлаймиз. Тўғри, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятимизнинг тарбияланиб бориши нуқтаи назаридан олганда бу ҳақиқатдан ҳам ютуқдир. Лекин моҳият эътибори билан олсак, бу — мажбурият, табиий ҳолатдир. Қисқаси, ютуқни тушунган онгимиз, ютуқ йўқ жойда жавобгарликни, масъулиятни ҳам тан олиши керак, демоқчимиз. Тилга олинган йиғилишда биз асосий урғуни шу масалага бердик. Асосан камчиликлар ҳақида гаплашдик, уларнинг илдизларини, субъектив сабабларини таҳлил қилишга уриндик, тегишли тавсиялар бердик. Ва бундан буён уларнинг амалга оширилишини ҳам кузатиб боришга келишиб олдик.

**«Халқ сўзи» мухбири Мавжуда ХОЛМАТОВА суҳбатлашди.**

# Эл иродасининг ифодаси

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси муҳокамасига киритилган масалалар ҳеч кимни бефарқ қолдирган эмас. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳалари бўйича ўз фикрларини билдираётган фуқаролар Навоий вилоятида анчагина.*

**Тоҳир БОЙМИРОВ, Кармана туманидаги «Бешкент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Маҳалламиз ҳудудида юзга яқин чақирилув ёшидаги фуқаролар истиқомат қилишади. Қай биридан сўраманг, барчаси она Ватан учун хизматга тайёрмиз дейди. «Хизматга боришга ёрдам беринг» деган талабгорларни учратганимда, кўнглим тоғдек кўтарилади.

Юрт ҳимоясига тайёргарлик аввало, оила, мактаб, маҳалладан бошланади. Биз ҳар бир ўсмирнинг мард, фидойи, ватанпарвар бўлиб етишишига масъулмиз. Даврнинг ўзи доимий ҳарбий тайёргарлик даражасини ошириб боришни тақозо этмоқда. Яқинда «Ҳарбий хизмат — шарафли бурч» мавзуида баҳс-мунозарали давра суҳбати ташкил этдик. Армия сафига чақирилувчиларни тантанали равишда кузатиш маросимини уюштирдик. Бу тадбирлардан аён бўляптики, фуқароларимизнинг бу масалага ёндашуви бутунлай янгича.

Сессияда кўриладиган ҳарбий соҳага оид қонун лойиҳалари тинчлик ва барқарорликни таъминлаш кафолати сифатида хизмат қилиши аниқ.

**Жаҳонгир САРИМСОҚОВ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти бўлими раисининг ўринбосари:**

— Она Ватан ва йигитлик бурчи тушунчаларини ҳеч қачон бир-биридан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Армия ана шу ҳиссиётни шакллантиришнинг ўзига хос мактабидир. Ахир оиламиздан бир ярим йил эмас, бир ой олисда яшаб кўрайликчи, қадр, эъзоз қанчалик қалбларга муҳрланишига сўз тополмаймиз. Демак, Ватан ҳимояси — Конституциявий бурчгина эмас, она Ватан қадри, эъзози билан тенг тушунчадир.

Шу кунларда қаерда бўлманг, ёшларимизнинг Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳасига катта эътибор билан қараётганини дарҳол сезасиз. Аскарликка бориш фурсатим қачон келаркан, деб юрганларнинг сон-саноғи йўқ. «Мен Армия сафида хизмат қиламан», дея ариза ёзганларнинг бир қисми навбат кутиб турибди.

Қуролли тизимимизда ислоҳотлар тезкор суръатларда олиб борилаётган шу кунларда янги қонунларни интиқлик билан кутмай бўладими?

**Улбўсин САРИБОЕВА, Навбаҳор туманидаги Бешработ қўрғони, пенсионер:**

— Авваллари оналар «армия» деган сўзни эшитса, безовталаниб қолишарди. Ахир, 2 йил бошқа бир республика ҳудудларида номаълум алфозда ёшлиги кечган ўғлидан ташвишланмаслик мумкинмиди? Таҳқирлаш, уриб-сўкишларга чидай олмай ҳарбий хизматдан қочиб келганларни ҳам кўрганмиз. Хизматдан бўйин товлаганлар ҳам бўлган.

Ёшим олтмишдан ошди. Тўққиз фарзанд ўстирдим. Эски тузум даврида тўрт ўғлим Россиянинг қайси бир қадам етмас чеккаларида хизмат қилди. Тўртовининг армиядаги даврини қўшиб ҳисобласа 12 йилдан ошади. Кичик ўғлим Валижон бутунлай ўзгача шароитда ўз бурчини бажарди. Гоҳида ака-укалар бошидан кечирганларини айтиб қолишади. Ўйга толаман. Хизмат билан хизматни фарқлаб, бугунги кунимизга шукроналар айтаман.

Бир этак невараларим орасида эрта-индин ҳарбий хизматга чақирилишини кутиб турганлари бор. Иложини топса, бугуноқ йўлга отлангудек. Ҳарбийга бу қадар қизиқишлари боисини биламан: мустақил юртимиз тинчлиги, осойишталигига ҳаммамиз бирдек дахлдормиз. Ўйлайманки, Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида муҳокама қилинадиган қонун лойиҳаларида ота-оналар дилидаги истаклар тўлиқ ўз ифодасини топган.

**«Халқ сўзи» мухбири Абдуваҳоб ПИРМАТОВ ёзиб олди.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги олдидан

*Мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият ва давлат бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ҳам миллий хусусиятлар, анъаналарни ҳисобга олган ҳолда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, бозор муносабатларига ўтиш, мустақил давлат манфаатлари устуворлигига, тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатнинг аниқ принциплари, йўналишларини белгилаб олди.*

# Эзгу мақсадларнинг ҳуқуқий кафолати

Конституциямизнинг асосий моҳияти шундаки, у жамият ва унинг аъзолари олдига мақсад қўяди. Инсонларни бирлаштиради. Ана шу эзгу мақсадга эришишни ўзида мужассам этади.

Унинг 13-моддасига биноан «...Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимояланади». Зеро, буюк аждодимиз Беруний фикрича, «Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бировларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан иборат». Шу билан бирга «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 29-моддасига биноан «Ҳар бир инсон жамият олдида мажбурият олган, фақат шу тахлитдагина инсон шахси эркин ва тўлатўкис камол топиши мумкин», чунки давлат — ҳуқуқий қонунларга бўйсунган кўпдан-кўп одамлар йиғиндисидир.

Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиш, Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ, эркинликларидан суд қарорисиз маҳрум этиш ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Бундай ҳолат қонунбузарлик ҳисобланиб, қонунийликни таъминлаш прокуратура органлари зиммасига юкланган. Бу ҳақда Конституциянинг прокуратура органлари фаолиятига оид XXIV боб, 118-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади», деб қатъий белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу бобнинг 120-моддасида «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар» дейилади.

Дарҳақиқат, қонунга бўйсуниш, унга итоатгўйлик билан яшаш бу аввало, фуқаронинг ўзини, қолаверса халқи ва Ватанини ҳурмат қилиш демакдир. Ушбу фазилатлар қонун ҳимоячилари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларида мужассам бўлмоғи лозим. Шундагина улар қонун устуворлигини таъминлаш йўлида фаолият олиб бориш баробарида фуқароларнинг қонунларга ҳурмат билан ёндошиши ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳам ҳисса қўша оладилар. Ходимларимизнинг ана шу жиҳатларни назарда тутган ҳолда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашда Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини дастуриламал билишларини доимо таъкидлаймиз.

Биз қонун ҳимоячилари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, адолатни қарор топтиришгагина эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, билим ва тафаккурини юксалтириш, Ўзбекистон келажаги бўлган ёш авлодни қонунларга ҳурмат руҳида улғайтиришга бурчлимиз. Зеро, биз барпо этаётган адолатли — демократик жамиятнинг кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир.

Шундай экан, Президентимизнинг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишининг амалий ижроси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳар бир оилада бўлиши, уни ҳар бир ватандошимиз, ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз мукаммал билиши ҳамда қонунларга ҳурмат, қонунга итоат ҳаётимиз мезонига айланишини истардим. Чунки қонунни билган одам қонунбузарлик ва жиноят нима эканлигини жуда яхши билади ҳамда шундай иллатлардан ўзини тийиб, эзгу ишларни дилига жо этиб яшайди.

**Шуҳрат АБДУЛЛАЕВ, Наманган шаҳар прокурори, 1-даражали юрист.**

# Илмий-амалий анжуман

Тошкент давлат юридик институтида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: давлат ва жамият ислоҳотининг ҳуқуқий асоси” мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур анжуманда Конституциявий суд раиси ўринбосари Б.Мирбобоевнинг “Конституция ва суд ҳокимиятининг ислоҳоти”, юридик фанлари доктори, профессор А.Тўлагановнинг “Конституция — ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларнинг асоси” мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Тадбирда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш муаммолари, Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бош қонунимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш борасида жойларда олиб борилаётган ишларни янада фаоллаштириш лозимлиги таъкидланди.

**Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.**

# Ҳақиқатни айтиш масъулияти

Охирги йилларда матбуот нашрларининг кўпайганлиги ўқувчига танлаш имконини берди, улар ўртасида рақобат муҳитини юзага келтирди. Аммо эълон қилинаётган мақолаларда ҳаққонийлик масаласига жиддий эътибор берилаяптими?

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг 7-моддасида “Оммавий ахборот воситалари ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг ҳаққонийлигини текшириб кўришлари шарт ва унинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар”, деб ёзиб қўйилган. Демак, матбуот нашрларида юқоридаги каби эслатмаларнинг берилишига ҳожат қолмайди, барча таҳририятлар зиммаларидаги масъулиятни янада теранроқ англайдилар.

Менинг фикримча, ахборотнинг ҳаққонийлиги учун эмас, ҳаққонийлик бузилган тақдирда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлиш тўғрироқ. Шу сабаб мазкур модданинг 3-хатбошиси, “тўртинчи қаторидаги “ҳаққонийлиги учун” сўзлари “ҳаққонийлиги бузилган тақдирда” деб ўзгартирилишини таклиф этардим.

**Маҳмуд ЭРАЛИЕВ. Самарқанд.**

# ЛОҚАЙДЛИК — ХИЁНАТ

**Ватан манфаатларидан йироқ фуқаро ўзини шу юртга фарзанд деб аташга ҳақлими?**

Москва марказидаги маданият саройи — Норд Остдаги таҳликали кунлар ҳамон хаёлимиздан нари кетгани йўқ. Мингга яқин бегуноҳ кишиларнинг жони қил устида турганлигини, ўзини эмас, ватандошлари тақдирини, демакки, Ватанни ўйлаган мард, жасур инсонлар ўша қалтис паллада террорчилар билан алоқага киришганларини ҳаяжонда энтикиб кузатиб турдик.

Тўғри, бу кори-ҳол биздан бир неча минг километр нарида рўй берди. Юзаки қараганда, хатардан бирмунча холи эдик, дейиш мумкиндир. Лекин бугунги кунда она сайёрамизнинг қайси бир бурчида ёнган олов истаган жойда тутун чиқариши ҳеч гап эмас. Москвада намоён бўлган террористлар қилмиши фақат хатари учунгина руҳимизни жумбушга келтиргани йўқ. У ерда соғлом кучлар ваҳшийликка қарши майдонга тушганди. Нафақат минтақада, бутун Ер юзида тинчлик бўлишини орзу қилаётган халқимиз бу курашда эзгулик устун келишини дил-дилдан истади. Минг шукурки, маълум қурбонлар эвазига бўлса-да, террорчилар янчиб ташланди.

Айни пайтда Норд Ост воқеаси бутун дунёга яна бир бор сабоқ бўлди. Таҳлилчилар унинг илдизларини излашмоқда, кузатувчилар теракт оқибатларини баён этишяпти. Назаримда, кўплаб омиллар ичида одамларнинг атрофга бефарқлиги, эътиборсизлиги алоҳида ўрин тутса керак. Бехабарликни қарангки, террорчилар саҳнага келиб шипни ўққа тутсалар, томошабинлар бу ҳолни режиссёр топилмаси деб ўйлаб қарсак билан олқишлашибди...

Шу жиҳатдан олганда бизда огоҳлик, ҳушёрлик қай даражада? Албатта, 1999 йилнинг 16 февраль воқеасидан кейин кўп жойларда эҳтиёткорлик чоралари кўрилди, ён-атрофга нисбатан қарашларимиз ўзгарди. Лекин огоҳлик тушунчасини фақат хавф-хатарга нисбатан тайёргарлик маъносида англаш бир ёқлама тасаввур ифодасидир. Огоҳ инсон аввало қай замон ва маконда яшаётганини дилдан англаган, жамият ҳаётида фаол ҳаракат қадрини тўғри ҳис этган, ўз миллати ва Ватанидан ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлган озод ва мустақил фуқародир. Хўш, ана шу талабларга ҳар биримиз қанчалик жавоб берамиз?

Аҳоли тинчлиги ва осойишталигини сақлашда ички ишлар ходимларининг ўрни беқиёс аҳамият касб этади. Бу соҳа вакиллари Ватан осойишталиги йўлида жонларини тикишган. Уларнинг фидойиликлари, кундалик жасорати барчага намунадир. Эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида ўз жонини қурбон қилган зобитларимиз қанча. Лекин, гуруч ичида курмак учраганидек, бу соҳада ҳам ўз бурчини англаб етмаган ходимлар йўқ эмас. Юнусобод туманидаги Турон маҳалласидан бир фуқаро профилактика инспекторига бежо ҳаракатлар қилаётган қўшнисидан шикоят қилибди. Инспектор эса “Бу масалага бизнинг даҳлимиз йўқ. Ҳозирги пайтда “Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра” деган шиор чиққан” деб жавоб қилибди. Ана холос! Бундай муносабатни лоқайдлик деб атасак, ўта юмшоқ баҳо берган бўламиз...

Жойлардан олинаётган ахборотларга кўра, огоҳлик мавзуида турли-туман тадбирлар ўтказилмоқда. Бундай юмушлар ҳамиша керак. Лекин, баъзан бир хил тадбирлар номига, белгилаб қўйиш учун ўтказилмаяптимикан, деган фикр кўнгилга келади. Негаки, тингловчилар ўша-ўша, нотиқлар ўша-ўша. Нечанчи марта бу мажлисга келган маҳалла фаоли нима гаплар айтилишини олдиндан билади. Шу боис бепарво ўтираверади. Айтилаётган гаплар қаратилган одамлар бундай тадбирга таклиф қилинмайди. Нега? Чунки оддий деҳқон ёки ҳеч қаерда ишламайдиган юртдошимиз фаоллар рўйхатида йўқ-да. Улар ўз қишлоғида шундай анжуман бўлганидан телевидение орқали хабар топадилар. Яна аҳолининг бехабар қисми ғофиллигича қолаверади.

Бу хил тадбирлар ҳақида лаҳзалик ахборотларни кўрганда наҳотки ҳамма ишни мажлис орқали битириш мумкин, деб ўйлаб қоласиз. Ахир аҳоли билан мулоқотнинг хилма-хил, жонли шакллари кўпку?! Ҳаётий мавзуга боғлиқ бундай суҳбатлар ҳаётнинг ўзидай мазмунли, агар истасангиз, самимий бўлиши керак. “Қарс икки қўлдан чиқади”, деган нақл бу ўринда тадбирлар таъсирчанлигини таъминловчи омил бўлмоғи лозим. Яъни, муҳокама жараёнида фақат бир томондан борганларнинг қолипли маърузаси эмас, ўша мулоқотда қатнашган аҳолининг фикрлари, таклифлари айтилиши кўпроқ муҳимдир. Бунинг учун халқнинг дилига йўл топиш керак. Одамлар кўнглидаги гап айтилса, “ақлли” фикрлар ўйлаб ўтиришга ҳожат ҳам қолмайди.

Бизнинг тинчлигимиз, осойишталигимиз бутун омманинг хабардорлигига, огоҳлигига боғлиқ экан, шу халқ сайлаган депутатларнинг фаоллиги қандай деган ўй-андишалар кўнглимиздан ўтади. Бизда эл-юрт ичида кенг танилган, ижтимоий-сиёсий фаолияти халқ ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетган депутатларимиз анчагина. Уларнинг бир оғиз каломи юзлаб, минглаб одамларнинг қалбидан жой олади, соатлаб ўтказилган мажлиснинг қувватини беради. Лекин қўлимизни кўксимизга қўйиб айтамизки, айрим депутатларимизнинг овоз олиш мақсадида сайловлар арафасидаги фаолликлари ўтмиш меросига айлангандай. Эҳтимол, кимдир бу муқоясани ўринсиз деб ҳисоблар, сайлов мавсумида ҳар бир номзод ўз салоҳиятини ёрқинроқ намоён этишга ҳаракат қилади, бундай фаолликни муттасил талаб қилиш ўринсиз, дейишлари мумкин. Лекин депутатга насиб этган ҳурмат-эътибор, юксак ваколат аввало халқ томонидан берилганини бир дақиқа ҳам унутиб бўлмайди. Халқнинг ўй-тафаккурига ошно бўлиш, унинг манфаат ва эҳтиёжларини яхши билиш депутатнинг доимий фаолияти мазмунини белгиласа қандай яхши. Айни пайтда депутатларимиз оддий халқ вакиллари билан самимий мулоқот қилишлари муҳимдир. Кўпинча қанақа бўлади? Депутат ўз округи ҳудудидаги раҳбарлар билан, шу атрофдаги фаоллар билан унча узоққа чўзилмаган учрашувни ўтказади-да, тезроқ қайтишга интилади. Тўғри, ўшанда ҳам депутатлик ташвишларини бажаришга шошаётгандир. Лекин депутат ва сайловчи ўртасида кўзга кўринмас деворнинг борлиги ҳақиқат, уни олиб ташлаш эса депутатнинг ишидир.

Агар депутат парламентда амалга оширилаётган сермеҳнат жараён, қонун ижодкорлигининг машаққатлари ҳақида халққа содда тилда тушунтириб берса, айни муддао бўлади. Ўшанда, ҳар бир сайловчи қонун яратишда иштирок этиши мумкинлигини тасаввур этади. Шу аснода аҳолининг ҳуқуқий онги ошиб боради, ҳаётдаги фуқаролик ўрнини англаш комиллик касб этади.

Президентимизнинг “Ватан манфаатлари элни бирлаштиради” деган қанотли иборалари бор. Бу туйғуни юракдан ҳис этиш учун киндик қони тўкилган тупроққа муҳаббат, шу заминга фарзанд эканликдан ифтихор ҳислари ҳар биримизда жўш урмоғи муҳимдир. Миллий ғурур инсон танасига битмас-туганмас кучқудрат ато этади. Шундай олижаноб туйғуга эга бўлган фуқаро қийинчиликлар олдида асло иккиланмайди, юксак мақсад йўлидаги ҳар бир қадам янги марраларга даъват этади. Ва аксинча миллий ғурурдан йироқ одам ўз нафси ва тор манфаатларидан нарини кўрмайди. Ватан туйғуси йўқ кимса ҳар қандай риёкорликка тайёр туради. Шу боисдан ҳам юртимизда маънавий баркамол инсонни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган.

Кўп йиллар муқаддам ўқиган ибратли ҳикоят ёдимга тушди. Бир бола кўчада кетаётса, катта йўлнинг ўртасида харсанг тош жуда ноқулай турганлигини кўрибди. Ҳаммага халақит берадиган тошни эҳтиёткорлик билан четга суриб қўйса бўларди. Лекин хаёлидан шундай фикр ўтибди: “Менга зарил кептими. Энг муҳими, тош турган жойдан безиён ўтиб олдим-ку”. Бола бир пас юргандан кейин кутилмаганда олдидан шаталоқ отиб келаётган бузоқ чиқибди. Бузоқ сузиб юбормасин деб орқага чопибди. Шу тариқа бола йўл ўртасида турган ҳалиги тошга урилибди. Жароҳат зарбидан озор чекканда: “Эсизгина, боя йўл четига олиб қўйсам бўларкана” дебди. Қаранг, боланинг пешонаси тошга тегмагунча ақли кирмабди. Агар у аввалроқ худбинлик, лоқайдлик қилмаганида бундай жароҳат кўрмаган бўларди.

Хўш, биз бефарқ эмасмизми? Нафақат ўзимиз, балки атрофимиздагиларнинг тинчини кўзлаяпмизми? Юртимизни ёмон кўзлардан асрашга тайёрмизми? Ана шу саволларга жавоб беришга ҳозир бўлсак, Ватан манфаатларига мос иш тутган бўламиз.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**



# Абдулҳаким аканинг ибрати

Ҳар ким ўз иш жойида ташаббус кўрсатиб, сидқидилдан меҳнат қилса, у аъзо бўлган жамоада ҳам албатта ютуқ бўлади. Абдулҳаким Баҳроновдан қиёс: у кўп йиллардан буён Навоий шаҳридаги 23-автосарой қошида ташкил этилган «Турон» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида механик вазифасида ишлаб келмоқда. Бугунги кунда бу инсоннинг жамиятда ўз ўрни бор. Шогирдлари ҳам бисёр. Ҳалол меҳнати эса муносиб тақдирланиб, «Шуҳрат» медали билан мукофотланган. Муҳими, «Турон»да Абдулҳаким ака ўз меҳнатсеварлиги билан бошқаларга ибрат бўлмоқда. Шу боис акциядорлик жамиятида ютуқларга ютуқ қўшаётир.

**СУРАТДА:** ***Абдулҳаким Баҳронов.***

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

«Қариялар – эл фахри, юрт ифтихори» танловига

# Мозийдан англанган ҳақиқат

*Галина Анатольевна Пугаченкова... Бу ном Ўзбекистон илмий-маданий жамоатчилиги учун фахрли бир номдир. У илм-фан дунёсида ўз оламини ярата олган олима.*

*Галина Анатольевна меъморчилик фани номзоди, санъатшунослик доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, 1976 йилдан буён Франциядаги Страсбург университетининг фахрий доктори, 1986 йилдан Германия археология институтининг мухбир-аъзоси, 1987 йилдан Италиядаги Ўрта ва Узоқ Шарқ институтининг мухбир аъзоси, 1993 йилдан Шарқ халқлари меъморчилиги Халқаро академиясининг фахрий академиги, 1995 йилда эса Франция Академиясининг шуҳрат тожига муяссар бўлди.*

У ўзининг илмий мақолалари ва китобларининг кўплиги билан Гиннес рекордлари китобидан ўрин олган, дейишади. Бу таърифни муболаға демасак ҳам бўлади. У айни ҳақиқат гап. Академик Э.Ртвеладзенинг гувоҳлигига қараганда, ҳозиргача Г.Пугаченкова яратган тадқиқотлар сони 700 дан ошибди. Олима илмий асарлари рўйхатининг ўзи алоҳида, дуруст ҳажмли библиографик китобларни дунёга келтирган.

У бутун ҳаётини аввало Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳамда уларга қўшни Шарқ давлатлари меъморчилиги тарихининг мураккаб ва кам ўрганилган муаммоларини тадқиқ этишга бағишлаб келмоқда. Г.Пугаченкованинг «Навоий давридаги Ўрта Осиё меъморчилиги ёдгорликлари», «Ўзбекистон меъморчилигининг буюк ёдгорликлари» (Л.Ремпель билан биргаликда), Жанубий Туркманистон, тўғрироғи, Марв воҳасидаги қадимги меъморчилик масалаларига доир докторлик иши, «Анау мачити», «Араб ота мақбараси», «Марказий Осиёнинг XV асрдаги меъморчилиги», «Манас гумбази» каби ўнлаб тадқиқотларида Ўрта Осиё меъморчилигининг тарихий илдизлари ва ривожланиш босқичлари, бу меъморчиликнинг умуман Шарқ меъморчилиги тараққиётидаги ўрни таҳлил этилади.

Г.Пугаченкова меъморчилик ва санъат тарихи мутахассиси сифатида кўп йиллик тадқиқотлари мобайнида ўзига хос илмий концепция яратди. Бу концепцияга кўра, ер устида мавжуд меъморчилик ёдгорликлари ва музейларда сақланаётган осори-атиқалар Ўрта Осиё меъморчилиги ва санъат бойликларининг бир қисмидир, холос. Бу тарихнинг янада салмоқли бойликлари ер қаърида ётибди. Шу боисдан, бу ўлкада қадимшунослик ишларини кенг кўламда ривожлантириш керак.

Бу концепциянинг тўғрилигини ҳаёт исботлади. Битта далил: Я.Смирнов, А.Григорьев, К.Тревер каби олимлар Шарқдаги қадимги цивилизация бешиклари деб асосан Ҳиндистон ва Эронни тан олишди. Бироқ М.Е.Массон раҳбарлигида қадимги Марвда олиб борилган археологик қазилмалар, ундан топилган лойдан ясалган ҳайкаллар, рўзғор идишлари, фил суягида қилинган ўймакорлик ишлари Ўрта Осиё бадиий маданиятининг ўзига хос мавқеини исботлади. Дунё фанида фикр ўзгарди. Г.Пугаченкова бу экспедицияда эри М.Е.Массон билан ёнма-ён туриб ишлади. Келгусида Ўрта Осиё санъати тарихи тўғрисида илмий фаолият олиб боришни юрагига тугиб қўйди.

1938 йилда Г.Пугаченкова профессор М.Е.Массон раҳбарлигида Термиз археологик қазув ишларида ҳам қатнашди. Шундан кейинги йилларда Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Афғонистон, Эронда олиб борилган ўнлаб археологик экспедицияларда фаол иштирок этди.

1959 йилда Г.Пугаченкова республикамиз санъатшунослик институтида ўзига хос янги мустақил илмий гуруҳ – Ўзбекистон санъатшунослик экспедициясини ташкил этди. Бу экспедиция жойларга чиқиб, ўз қазилма фаолиятида меъморчилик ва санъат тарихини археологик усуллар ёрдамида ўрганиш йўлидан борди. Шуни айтиш керакки, мазкур экспедиция жаҳон илм-фанини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган нодир кашфиётларни берди. Худди шу экспедиция аъзолари 1973 йилда «Далварзинтепа»дан энг қадимий даврларга оид 47 килограммлик тилла буюмларни ҳам топишди.



Г.Пугаченкова ва экспедиция илмий фаолиятида Ўрта Осиё бадиий маданиятининг энг қадимги даврлари, айниқса, Бактрия даврига оид кашфиётлар алоҳида ўрин тутади. Олима Холчаён ва Далварзинтепадан топилган ноёб ёдгорликларга суянган ҳолда «Кушон санъати» деган иборани илмий истеъмолга киритди.

Унинг Л.Ремпель билан ҳамкорликда ёзган «Ўзбекистон санъати: энг қадимги даврлардан то XIX аср ўртасигача» монографияси, «Туркманистон санъати», «Афғонистон санъати», «Кушон давридаги Бактрия санъати», яна Л.Ремпель билан биргаликда тайёрлашган «Ўрта Осиё санъати тарихи очерклари» китоблари эса бизда ва чет элларда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон санъати тарихининг фундаментал тадқиқотлари сифатида қадрланади.

Г.Пугаченкова асарлари инглиз, француз, итальян, немис, форс ва дарий тилларига таржима қилинган. Олима халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг буюртмасига биноан Эрон ва Афғонистондаги қадимги меъморчилик ёдгорликлари ҳақида алоҳида фильм яратишга ҳам илмий раҳбарлик қилди.

Г.Пугаченкованинг яна бир хизмати шуки, у илм-фанда биринчи бўлиб Ўрта Осиё меъморчилигининг асосий мактабларини аниқлаб берди.

Олима илм-фан ютуқларининг қизғин тарғиботчиси ҳамдир. У мамлакатимизнинг қадимги шаҳарлари ва тарихий-меъморчилик ёдгорликлари ҳақида буклетлар, альбомлар ва сайёҳлар учун йўл кўрсаткичларни кўплаб тайёрлаган. Халқимиз ва хорижий сайёҳлар Г.Пугаченкованинг Бухоро. Самарқанд, Хива, Термиз, Шаҳрисабз шаҳарлари, Туркманистондаги Нисо, Марв каби тарихий жойлари тўғрисидаги йўл кўрсаткичларини, «Очиқ осмон остида», «Далварзинтепанинг бадиий бойликлари» каби альбомларини яхши билади.

Г.А.Пугаченкова хорижий илмий марказларда ҳам катта обрў-эътиборга эга. У Будапешт, Венеция, Деҳли, Дрезден, Қобул, Оксфорд, Париж, Ротенбург, Теҳрон ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманларда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон меъморчилиги ва санъатининг тарихига доир ажойиб маърузалар билан қатнашган. 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида катта тадбир ўтказилди. Бу ердаги халқаро илмий анжуманда Г.Пугаченкова мажлисни бошқарувчиларидан бири бўлди ва Амир Темур даври меъморчилиги тўғрисида маъруза қилди. Дарвоқе, у инглиз, француз тилларида дунёдаги ҳар қандай илмий аудиторияларни оғзига қаратиб, қойиллатиб сўзлай олади.

Олиманинг тадқиқотларини дунёнинг турли давлатларидаги мутахассис олимлар қизиқиб кутади, унинг ғоялари, илмий фаразларига чуқур эҳтиром билан қарайдилар. Олима асарлари қизғин мунозараларни ҳам уйғотиб келмоқда. Масалан, Г.Пугаченкова А.Семёнов, О.Галеркина, В.Долинская, Н.Дьяконова, М.Ашрафий каби олимлар билан бирга (улар Ўзбекистон ва Тожикистонда яшайди) ўз илмий ишларида XV-XVI асрларда Ўрта Осиёда ўзига хос миниатюра мактаби мавжудлигини тасдиқлайдилар. Бу беҳуда айтилган гап эмас. Дарҳақиқат, худди шу даврда Бухоро миниатюра мактаби равнақ топган.

Лекин бу мактабга муносабат ҳар хил. Петербурглик санъатшунос олим А.Иванов хулосасига кўра, Бухорода шунинг учун миниатюра мактаби пайдо бўлганки, Ҳиротдаги нотинчликлардан безган миниатюрачи мусаввирлар бу ерга келиб қолишган, яъни Бухоро миниатюра мактаби, унинг фикрича, Эрон мактабининг анъаналарини давом эттиради. Г.Пугаченкова бу масалага кенгроқ қарайди. Унинг фикрича, XVI асрнинг 40-йилларида Ўрта Осиё миниатюра санъатида икки йўналиш бор: бири – Беҳзод анъаналарини давом эттирувчи Эрон мактаби; иккинчиси – услуби анча жиддий, ўзига хос дастхати билан ажралиб турувчи миниатюралар йўналиши. Бу йўналиш намояндалари Бухоро ва Самарқанддагина эмас, балки Тошкентда, Шоҳруҳияда, Хивада ҳам яшаб ижод қилишган.

Бизнинг миллий санъатимиз тарихига беҳурмат бир кўз билан қараб келаётган шарқшунос олимлардан яна бири Б.Стравискийдир. Бу шахснинг қарашлари тўғрисида қисқача бўлса-да, махсус тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Унинг назарида, Ўзбекистоннинг қадимги даврлардаги санъати тўғрисида сўзлаш бемаънилик эмиш... Б.Стравиский фикрича, Ўзбекистон давлат сифатида гўё 1924 йилда шаклланган. Ундан олдин дунё харитасида – бундай давлат бўлмаган эмиш. Бинобарин, Ўзбекистон санъати тўғрисида ҳам фикр юритиш беҳуда бир иш, дейди Б.Стравиский. Бу димоғдор гаплар шўро тузумининг қизил мафкураси мактабида «пишиб етилган»лиги яққол кўриниб турибди. Б.Стравискийнинг миллатлар ва элатлар тарихи ҳамда маданиятига нописанд тафаккури илмий холислик ва адолат туйғуларидан мутлақо йироқ. Г.Пугаченкова атоқли санъатшунос олим Л.Ремпель билан ҳаммуаллифликда яратган «Ўзбекистон санъати: энг қадимги даврлардан то XIX аср ўрталаригача» (1965) ва «Ўрта Осиё санъати тарихи очерклари» (1982) каби ажойиб китобларида Б.Стравиский ва унга ўхшаш шовинистик нуқтаи назарли олимларнинг ноҳақ қарашларига боплаб, чуқур илмий ва тарихий асосланган жавобларни берди. Бу заминда энг қадимги даврларда ҳам Хоразм, Бактрия, Сўғд каби қудратли давлатлар бўлганлиги, уларнинг муҳитида меъморчилик ва бошқа санъат турлари барқ уриб равнақ топганлигини кенг ва ишонарли археологик материалларни далил қилиб келтириб исботлайди.

Галина Пугаченкова Ўзбекистон илм-фанининг устозларидан биридир. У фанимизда йирик илмий мактабни ярата олган забардаст олима. Бу тўғрида унинг издошлари ва шогирдлари нима дейди? Келинг, қулоқ тутайлик.

**Э.Ртвеладзе, академик:**

*– Унинг (Г.Пугаченкованинг) мактабини кенг маънода тушуниш керак. Бу – Ўрта Осиё бадиий маданияти тарихи мактабидир, унда илм-фаннинг турли йўналишлари – меъморчилик, санъатшунослик, қадимшунослик узвий бирлашган. Бу илмий йўналишларда фаолият олиб борётган барча олимлар ўз изланишларида Г.Пугаченкова асослаган илмий тамойилларга амал қилади.*

**Акбар ҲАКИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директори.**

*– Бугун биз Ўзбекистон мустақилликка эришган ва мустақил ривожланиш йўлидан бораётган бир даврда яшаяпмиз. Шу нуқтаи назардан қаралса, Галина Анатольевна Пугаченкованинг Ўзбекистоннинг антик маданият Ватани эканлигини исботловчи улкан илмий фаолияти алоҳида қимматли фазилатлари билан ажралиб туради.*

*Галина Анатольевнанинг фанимиз ривожига қўшган бениҳоят катта хизматлари давлат мукофотлари, юксак илмий унвонлар билан тақдирланган. Бу йил Г. Пугаченкова ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди. У Ўзбекистонимизнинг олий мукофотларидан бири – «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлди. Устозимизни ана шу катта мукофот билан чин қалбдан табриклаймиз.*

**Баҳодир ТУРҒУНОВ, Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти бўлим мудири:**

*– Галина Анатольевна менинг домлам. Тошкент Давлат университети тарих факультетида ўқиганимда у киши бизларга Ўрта Осиё ва Шарқ меъморчилиги ва санъати тарихи ҳақида маърузалар ўқиганлар. Талабалик йилларидаёқ мени ўзининг илмий сафарларига жалб этганлар. У кишига меъморчилик ёдгорликларининг тарҳини чизишда кўмаклашар эдим. Кейин мени Санъатшунослик институтида ўзи ташкил этган санъатшунослик экспедициясига таклиф қилди.*

*У киши билан Холчаёнда ажойиб ҳайкалтарошлик намуналарини кашф қилдик. Айритомда Будда ҳайкалини топдик ва ўргандик. 1967 йилдан Кушонлар салтанатининг пойтахти бўлган Далварзинтепада текширишларни бошладик.*

*Г.Пугаченкова халқаро миқёсда донг таратган олима. Бугун ҳам, 87 ёшга кириб, гарчи дардга йўлиқиб қолган бўлсаларда, янги-янги китоблар, мақолалар устида ишламоқда, ёш олимларни қабул қилиб, қимматли маслаҳатлар берадилар. У кишининг беҳад меҳнаткашлиги ва кенг, қомусий илми ҳар бир кишида ҳавас уйғотади...*

* * *

Буюк адибимиз Абдулла Қодирий шундай ёзган: «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли, дейдилар». Г.Пугаченкованинг Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг энг қадимги тарихий даврларидаги бадиий маданиятни тадқиқ этишга қаратилган ноёб илмий фаолияти ана шундай хайрли ишлардан биридир. Г.Пугаченкова тадқиқотлари жамулжам ҳолда мозийдаги катта бир ҳақиқатни – Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон умуминсоният цивилизациясининг олтин бешикларидан бири бўлганлигини чуқур илмий асослар билан тасдиқлайди. Халқаро илмий баҳсларда ва мафкуравий курашларда шу концепциясини дадил ҳимоя қилиб келяпти.

Улуғ олимамизнинг илмфан олдидаги бебаҳо хизмати ана шунда.

**М.САФАРОВ.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ - ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

ҲАМДА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ

ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ

Ўзбекистоннинг барча фуқароларини

БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ ҚУТЛУҒ 10 ЙИЛЛИГИ

билан муборакбод этади.

КЎЧМАС МУЛК – ЎЛМАС МУЛК.



Республика кўчмас мулк биржасининг Жиззах вилояти филиали жамоаси давлат мулкларини сотиш ва бюджетга маблағ тушириш бўйича белгиланган йиллик режаларни бажариб, Конституциямиз байрамини муносиб кутиб олаяпти.

Бу бизнинг ана шу қутлуғ санага тухфамиздир.

6585/2449



Мижозларга хизмат кўрсатувчи 27та шохобча!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

пулни Вестерн Юнион халқаро тизими ёрдамида ўтказишни

*таклиф этади.*

*Пул ўтказмаларини амалга ошириш чоғида пул маблағларини қабул қилиш ва бериш нақд шаклда амалга оширилади.*

**Мижозларга хизмат кўрсатиш шохобчалари**

Тошкент шаҳри бўйича бош бошқарма, Ғ.Ғулом кўчаси, 1-уй. Телефон: 144-35-34.
Бош операция бўлими, Я.Ғуломов кўчаси, 95-уй. Телефон: 133-31-06.

Тошкент шаҳридаги филиаллар:

А.Икромов филиали, Фарҳод кўчаси, 54-уй. Телефонлар: 75-35-86, 74-08-93.
Академия, Файзулла Хўжаев кўчаси, 31-уй. Телефон: 162-01-72.
Бектемир филиали, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 15-уй. Телефонлар: 195-07-11, 195-07-13.
С.Раҳимов филиали, Калонов кўчаси, 54-уй. Телефонлар: 29-42-39, 29-51-70.
М.Улуғбек филиали, Пушкин кўчаси, 66-уй. Телефонлар: 68-22-31, 68-24-25.
Шайхонтоҳур филиали, «Эски жўва» бозори. Телефонлар: 144-19-98, 49-33-45.
«Саёҳат» филиали, «Халқлар дўстлиги» кўчаси, 28-уй. Телефон: 79-77-35.
Сирғали филиали, Деҳқон бозори. Телефон: 51-68-67.
Ҳамза филиали, Элбек кўчаси, 28-уй. Телефон: 96-28-40.
Яккасарой филиали, Бобур кўчаси, 85-уй. Телефонлар: 152-11-61, 152-11-57.
Мирobод филиали, С.Банокатий кўчаси, 165-уй. Телефон: 93-08-35.
Юнусобод филиали, Юнусобод-11 даҳаси, 32-«А» уй. Телефон: 125-06-76.

Вилоятлар бўлимлари:

Андижон бўлими, Навоий мавзеси, 39-уй. Телефонлар: 24-53-33, 24-09-81.
Бухоро бўлими, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 3-67-13, 3-85-96.
Жиззах бўлими, Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: 6-15-37.
Қарши бўлими, «Ўзбекистон» кўчаси, 219-уй. Телефон: 3-48-08.
Наманган бўлими, Нодим Намангоний кўчаси, 10-уй. Телефон: 6-57-82.
Навоий бўлими, Ибн Сино кўчаси, 14-уй. Телефон: 23-23-82.
Нукус бўлими, «Гарезсизлик» кўчаси, 52-уй. Телефон: 4-23-47.
Самарқанд бўлими, Фирдавсий кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 31-23-27, 31-01-04.
Сирдарё бўлими, Аҳмад Яссавий кўчаси, 48-уй. Телефон: 25-35-95.
Термиз бўлими, Ат-Термизий кўчаси, 1-уй. Телефон: 2-83-71.
Тошкент вилоят бўлими, Я.Ғуломов кўчаси, 95-уй. Телефон: 133-71-69.
Урганч бўлими, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 150-уй. Телефон: 6-64-06.
Фарғона бўлими, Ал-Фарғоний кўчаси, 69-уй. Телефон: 24-31-97.

www.nbu.com

6584/2389


# ВАЪДА БИЛАН УЙ ИСИРМИКИН?

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Маълумки, кузги-қишки иситиш мавсуми 2-4 ноябрдан март ойининг ўрталарига қадар давом этади. Сўнгра аҳоли иссиқ сув билан таъминлаб турилади. Март ойининг охири, апрелнинг дастлабки кунларидан эътиборан навбатдаги мавсумга тайёргарлик бошланади. Бу жараёнда қозонхоналардаги қозонларни, ёрдамчи қурилмаларни, шаҳар ичидаги магистрал ҳамда ички квартал қувурлари, ундаги ускуналарни капитал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилади. Бу йилги режада Фарғона шаҳри бўйича 6 та, Кувасой шаҳри бўлимидаги 2 та қозонни капитал таъмирлаш кўзда тутилган. Ҳозирга келиб ушбу юмушлар тугатилди. 7,3 километр узунликдаги қувурлар жорий созловдан чиқарилди. Лекин бу билан Фарғона шаҳрини иссиқлик билан таъминлаш юқори даражада деб бўлмайди. Мавжуд ҳолатни бартараф этиш ва яхши натижаларга эришиш бизнинг асосий вазифамиз ва мақсадимиз бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳамма имкониятлардан фойдаланиб, аҳолига иссиқлик энергиясини мунтазам етказиб беришга ҳаракат қилаяпмиз.



"Энг катта ташвиш" мақоласида ниҳоятда долзарб масала қаламга олинган. У жамоамизни ўз ишига янада масъулият билан қарашга ундайди. Камчиликларни тезроқ тугатишга ёрдам беради".

**ТАҲРИРИЯТДАН**: кўриб турибсизки, жамият директори соҳадаги камчилик-муаммолар, уларни бартараф қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида мутлақо тўхталмаган. Асосан тармоқ ходимлари кузги-қишки мавсумда бажаришлари лозим бўлган вазифаларни, шу пайтгача бажарилган ишларни қайд этишу ваъда бериш билангина чекланиб қолган. Ишқилиб, унинг айтганлари амалга ошармикин? Эртаиндин қиш росманасига қиличини қайраса, таъминотчилар эл-юрт олдида уялиб қолишмасмикин? Биз ана шунисидан хавотирдамиз.

Муносабат

*Кейинги пайтларда «Газеталар кўпайиб кетди» қабилидаги таънаомуз гаплар тез-тез қулоққа чалиняпти. Биз чиқараётган «Ҳордиқ плюс» ҳам ана шу иддаонинг туғилишига бир чимдим «улуш» қўшган нашрлардан. Таҳририятимиз жамоаси мўъжазгина газетани асосан чет муаллифлар кўмагида чиқаряпти. Ҳафтада бир марта чоп этилаётган газетамизнинг умумий сони ҳали 50 тага ҳам етгани йўқ. Лекин энди-энди ўз ўқувчисини излаётган, атак-чечак қилиб ўзига йўл очаётган нашримиз ҳақида нуфузли йиғилишларда, эътиборли газеталарда фикр-мулоҳазалар билдирилаётгани бизга ҳар жиҳатдан далда бўлмоқда, камчиликларимизни камайтиришда ёрдам бермоқда.*

# «Ҳордиқ» фақат «чарчаш» дегани эмас...

Фан доктори, профессор, таниқли адабиётшунос олим Нусратулло Жумахўжанинг «Халқ сўзи»нинг шу йилги 25 ноябрь сонида газетамиз номи ҳақидаги мақоласини ҳам биз камтарин фаолиятимизга эътибор сифатида қабул қилдик. Айни чоғда кўп сонли муштарийларимиз ва мухлисларимиз тасаввурида англашилмовчилик, парокандалик юз бермасин деган истиҳолада айрим мулоҳазаларимизни ўртоқлашишни лозим топдик.

Муҳтарам домла газетамиз номининг луғавий маъносини таҳлил этиб, «ҳордиқ» сўзи — «ҳоримоқ», «чарчамоқ» феъллари маъноларидан ясалган ҳаракат номи бўлиб, «чарчамоқ» маъносини англатади. «Ҳордиқ чиқариш» эса — чарчоқни ёзиш, дам олиш, истироҳат маъноларини билдиради», деб ёзади. Газетанинг номи «Чарчоқ» бўлиши маънисизлик эканини истеҳзо аралаш уқтиради. «Ўзбек тилини билмаган» таҳририятга қўшиб муассису нашрни рўйхатдан ўтказган нуфузли идора мутасаддисигача қора ипга тизиб чиқади.

Ошкора айтадиган бўлсак, газетани таъсис этиш арафасида унинг номи ҳақида узоқ тортишувлар бўлди. Н.Жумахўжанинг эътирозига ўхшаш фикрлар ҳам билдирилди. Ёзувчи, тилшунос, журналист биродарлар билан маслаҳатлашилди. Шунда «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» мунозарага ойдинлик киритди-қўйди. Луғатнинг II жилди 706-707-бетларида «ҳордиқ» сўзининг бир неча маънолари санаб ўтилган. Ҳақиқатан ҳам, бу сўз биринчи навбатда ҳорғинлик, чарчоқ маъноларини англатиши баён этилган. Шу маънода профессор домланинг фикри тўғри. Лекин луғатда «ҳордиқ»нинг иккинчи ва учинчи маънолари ҳам келтирилган. Яъни, ҳордиқ — «ишдан тўхтаб дам олиш; куч йиғиш; ором олиш» деган маъноларни ҳам билдиради. Сўзнинг «дам олиш куни» деган маъноси ҳам бор. Барака топгур луғатнависларимиз изоҳ саводи ҳаминқадар кишидан тортиб мутахассис олимларгача тушунарли бўлиши учун Ғафур Ғулом, Мирзакалон Исмоилий, Абдулла Қаҳҳор сингари тилимиз заргарлари қаламига мансуб асарлардан қатор-қатор мисоллар келтиришган. Шу боис, аттанг, Н.Жумахўжадек зукко домла луғатдаги изоҳни охиригача эътибор ила ўқимаган эканларда-а, деган шубҳага бориш-бормаслигимизни билолмай қолдик.

Айтмоқчимизки, «ҳордиқ» фақат «чарчоқ» дегани эмас, у жуда кўплаб ўзбек сўзларига хос бўлган хилма-хил маъноларда товланади ҳам. Чунончи, «Ҳордиқ хонаси» деган иборани кимдир «чарчоқ хонаси» деб тушунади. Тушунгани учун ҳам, башарти шундай номдаги газета ё журнал қўлига тушиб қолса, ўйламай-нетмай буни «хатарли ҳол» деб баҳоламайди.

Дарвоқе, газетамизнинг тўлиқ номи — «Ҳордиқ плюс». Яна, «плюс»га бало борми?» дейдиганлар чиқиб қолмаслиги учун, кези келганда изоҳ бериб қўйиш ортиқчалик қилмас. Бу — инсон толиққан, чарчаган ҳолларда ҳордиқ чиқариши мумкин бўлган фойдали, маданиятли, маърифатли воситаларнинг беҳисоблигига бир ишора, холос. Ҳаётий ҳикоялар, шеърлар ўқиш, сирдошига мактуб ёзиш, дунёда юз бераётган турфа янгиликлардан хабар топиш, ҳазил-мутойиба қилиш, янгидан-янги бошқотирмалар билан машғул бўлиш, ҳоказо ва ҳоказо. Демак, газетамизга ном танлашда ҳар жиҳатдан ва узоқни кўзлаб иш тутганимиз, танлаган йўлимиз садоқатли ҳамда талабчан муштарийларимиз ва мухлисларимиз томонидан тўғри қабул қилинаётгани ҳам тасодиф эмас.

**Нуриддин ИСМОИЛОВ,**
**«Ҳордиқ плюс» газетасининг бош муҳаррири.**

Ҳикмат

***Неча нафсингға бўлурсен тобе,***
***Неча умрингни қилурсен зойеъ.***

## Миллий дастур мевалари

Мингбулоқ ва Тўрақўрғон туманларида янги ўқув даргоҳлари фойдаланишга топширилгач, Намангандаги касб-ҳунар коллежлари сони 39 тага етди. Халқ хўжалигининг барча соҳалари учун малакали мутахассислар тайёрлайдиган ушбу даргоҳларда ёшлар пухта билим олишлари учун барча қулайликлар муҳайё. Компьютер хоналари, замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган ўқув хоналари, спорт иншоотлари ўқувчилар хизматида.

Йил охирига қадар вилоятда турли ихтисосликларга йўналтирилган яна 4 та коллеж ишга туширилиши кўзда тутилган.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ.**

## Иззатдаги қариялар

Қарши шаҳрида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан тадбир ўтказилди. Қарши шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу кечага шаҳарнинг нуроний отахону онахонлари таклиф этилдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан вилоятда олиб борилаётган ибратли ишлар ҳақида тўхталдилар.

**Н. РАВШАНОВ.**

**ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ПУДРАТ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕР)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИНИНГ**
**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**вилоятда 2003 йилда янги қурилиши ва қайта таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади.**

1. *Андижон шаҳридаги 600/0 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ижтимоий (спорт) йўналишидаги касб-ҳунар коллежи (II навбати), янги қурилиш.*
2. *Андижон шаҳридаги енгил саноат политехникуми негизида қайта таъмирланадиган 600/400 ўқувчи ўрнига мўлжалланган саноат (енгил) касб-ҳунар коллежи.*
3. *Асака шаҳридаги 7-сон мактаб негизида қайта таъмирланадиган 300/0 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ижтимоий (спорт) йўналишдаги касб-ҳунар коллежи.*
4. *Бўз туманидаги 2-сон касб-ҳунар мактаби негизида қайта таъмирланадиган 450/200 ўқувчи ўрнига мўлжалланган агросаноат (қишлоқ хўжалиги) касб-ҳунар коллежи.*
5. *Жалолқудуқ туманидаги касб-ҳунар лицейи негизида қайта таъмирланадиган 450/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган агросаноат (қишлоқ хўжалиги) касб-ҳунар коллежи.*
6. *Олтинкўл туманидаги касб-ҳунар лицейи негизида қайта таъмирланадиган 450/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган маиший хизмат (савдо, умумий овқатланиш) касб-ҳунар коллежи.*
7. *Хўжаобод туманидаги 7-сон мактаб негизида қайта таъмирланадиган 750/150 ўқувчи ўрнига мўлжалланган транспорт касб-ҳунар коллежи.*
8. *Қўрғонтепа туманидаги агроиқтисодиёт коллежи негизида қайта таъмирланадиган 600/200 ўқувчи ўрнига мўлжалланган иқтисод касб-ҳунар коллежи.*

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 2003 йил август.
**Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бўлими**
***(Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 45-уй. Телефон: 25-25-61).***

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Андижон вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А»уй. Телефон: 24-72-79.

**Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

**Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун ўтганидан сўнг қуйидаги манзилда ўтказилади: Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А»уй. Телефон: 24-72-79.**

6581/2477

**Барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**қуйидаги иншоотларга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади.**

**Иншоотлар номи**

1. Фарғона шаҳрида жойлашган электротехника лицейини қайта таъмирлаб, 620/200 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
2. Риштон тумани, Тўда қишлоғидаги 19-касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаб, 520/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
3. Қўқон шаҳрида жойлашган 4-касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаб, 400/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
4. Бувайда туманидаги 26-касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаб, 450/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
5. Охунбобоев туманининг Лангар қишлоғидаги бизнес мактабини қайта таъмирлаб, 600/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
6. Олтиариқ туманининг Катпут қишлоғидаги 20-касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаб, 620/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
7. Ўзбекистон туманидаги 15-касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаб, 540/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
8. Марғилон шаҳридаги 5-касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаб, 300/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
9. Қўқон шаҳридаги техник коллежни қайта таъмирлаб, 800/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
10. Фарғона шаҳридаги 6-касб-ҳунар мактабини қайта таъмирлаб, 600/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига мослаштириш.
11. Бағдод туманининг Конизар қишлоғида 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти қурилиши.

*Қурилиш ишларини якунлаш муддати —* ***2003 йилнинг III чораги.***
*Буюртмачи:* ***Фарғона вилояти мукаммал қурилиш бош бошқармаси.***
*Манзили:* ***Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 69-уй. Тел./факс: 24-24-33.***

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Фарғона вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:
**Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А»уй**
**(Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси). Тел./факс: 26-43-19.**

**Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.**

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.**
**Офертaларни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.**
**Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А»уй**
**(Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).**

6579/2466

**«ПАРВИНА»**
**КОМПАНИЯСИ**

**юқори сифатли ер ёнғоқли ва ер ёнғоқсиз, Россия технологияси асосида тайёрланган**
**«ПАРВИНА» ШОКОЛАДИНИ**
**жуда арзон нархларда таклиф этади.**

- *30 гр. — 85 сўмдан*
- *75 гр. — 220 сўмдан*
- *80 гр. — 220 сўмдан*
- *100 гр. — 300 сўмдан*

***Тўлов шакли — турлича.***

**Бизнинг манзил: Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 6-уй.**
**Телефонлар: (3662) 33-77-83, 31-07-01.**

6433-1/2178



**КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, УЛГУРЖИ ХАРИДОРЛАР, ТАДБИРКОРЛАР — БАРЧА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 391-сон «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕННИС МАЖМУИДА**
**2002 йил 9-14 декабрь кунлари**
**РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДО**
**ЯРМАРКАСИ**
**ЎТКАЗИЛАДИ.**

***Ярмаркада: «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «ЎзМАДпарранда-холдинг» компаниялари, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси, «Озиқовқатсаноат», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзпаррандасаноат» уюшмалари, «Ўзгўштсутсаноат» давлат акциядорлик уюшмаси, «Ўзбалиқ», «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари томонидан 2003 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намойиш этилади.***

**ЯРМАРКАДА:**

- СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ;
- ГЎШТ ВА ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ;
- БАЛИҚ ВА БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ;
- ҚАНДОЛАТ ВА МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИ;
- СПИРТЛИ ВА АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР;
- КОНСЕРВАЛАР;
- ҚУРУҚ ВА ҚАЙТА ИШЛАНГАН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ

***ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилади.***

**Ярмаркада 2003 йилда ишлаб чиқариладиган ана шу маҳсулотларни харид қилиш учун республика ҳудудида жойлашган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча истеъмолчилар билан шартномалар тузилади.**

**Ярмарка манзили: 700057, Тошкент ш., гвард. полковник Хўжаев к., 1-уй.**
**Мўлжал: марказий телеминора, метронинг «Бодомзор» бекати.**
**Телефон: 139-46-97.**



***Ярмаркага марҳамат!***



**«PARVINA UNIPACK»**
***ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ***

**Турли хил озиқ-овқатлар, тиббиёт воситалари, тўкилувчи қурилиш маҳсулотлари учун универсал ўраш материаллари ишлаб чиқариши бошланганини маълум қилади.**

***Оригинал дизайн, бадиий безаш — сизнинг буюртмангизга кўра. Турли шакл ва кўринишдаги ташриф қоғозлари, этикеткалар, ёрлиқлар, гулқоғозлар тайёрлаб берилади.***

**ҚИСҚА МУДДАТЛАР ВА АРЗОН НАРХЛАР**

**Бизнинг манзил: Самарқанд ш., Бедил к., 17-уй (мўлжал: «Шинасозлаш» заводи).**
**Телефонлар: (3662) 22-12-65, 33-48-03.**

6433-2/2178

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти жамоаси институт директори Равшан Алимовга падари бузруквори
**МИРЗАМУРОД ота**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзгўштсутсаноат» давлат-акционерлик уюшмаси жамоаси Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги «Бахт» ширкат хўжалиги раиси
**Қозоқбой СОТТИБОЕВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Олий ва ўрта тиббий таълим бўйича Ўқув-услуб идораси жамоаси олий тоифали услубчи Ҳамида Абдуллаевага онаси
**ХОЛИДА ая**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси университетнинг собиқ катта ўқитувчиси Толиб Шоюсуповга ўғли
**Мирзағолиб ШОЮСУПОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 977. 27225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
т-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *Топширилди — 23.35* 1 2 3 4 5 6